

800x600 Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE
MicrosoftInternetExplorer4

Маккада тушган, 206 оятдан иборат

Бисмиллахи рохмани рохийи

(Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан)

1. Алиф, лам, мим, сод.

2. (Эй Мухаммад), бу сизга туширилган Китобдир, у билан кофирларни огохлантинг ва мўминларга эслатинг. Ундан дилингизда танглик бўлмасин.

3. (Эй инсонлар), Парвардигорингиздан туширилган нарсага эргашинглар, Ундан бошқа «дўстлар»га эргашманглар. Насихатни кам оласизлар.

4. Канчалаб шаҳар-кишлоқларни халок қилдик, уларга азобимиз тун уйқусида ёки туш уйқусида келди.

5. Уларга азобимиз келганида: «Ҳақиқатда бизлар золимлардан эдик», дейишдан нарига ўтишмади.

6. Биз пайгамбар юборилганлардан ҳам, пайгамбарлардан ҳам, албатта, сўраймиз.

7. Кейин уларга воқеани, албатта, баён қиламиз, Биз гойиб эмас эдик.

8. Тўғри тортиш ўша куни бўлади: кимларнинг тортилган амаллари оғир келса, ўшаларгина нажот топишади.

9. Ва кимнинг тортилган амаллари енгил келса, ана шулар оятларимизни инкор қилганлари тўғри ўзига зиён етказганлардир.

10. (Эй инсонлар), сизларга ер юзида имконият бериб, турмуш сабабларини яратдик, аммо сизлар кам шукр қиласизлар.

11. Биз сизларни яратдик, сўнгра қиёфа бердик, кейин фаришталарга: «Одамга сажда қилинган», дедик. Улар сажда қилишди, фақат Иблисгина сажда қилмади.

12. (Аллох): «Сенга саждани буюрганимда сажда қилишингдан нима тўсди?» деди. У: «Ундан яхшироқман, мени ўтдан яратдинг, уни тупроқдан яратгансан», деди.

13. (Аллох): «У холда осмондан туш, унда қибру ҳаво қилиб юришинг тўғри эмас, йўқол, албатта, хор бўлувчилардансан!» деди.

Баъзи тафсириларда оятдаги «осмон»дан мурод, жаннатдир, дейилади. Осмон ёки жаннат итоаткор бандалар жойидир, унда мушрик ва итоатсиз кимсаларга ўрин бўлмайди.

14. У: «Улар қайта тириладиган қунгача мухлат бер», деди.

15. (Аллох): «Сенга, албатта, мухлат берилади», деди.

16. У: «Мени бадном қилганинг учун энди уларни тўғри йўлингдан тўсиб ўтираман;

17. кейин уларнинг олдиларию орқаларидан, ўнг ва чап тарафларидан келаман ва кўпларини шукр қилган холларида топмайсан», деди.

18. Шунда Аллох: «Ундан хор ва ҳайдалган холингда чиқиб кет! Инсонлардан ким сенга эргашса, ҳаммаларингиз билан дўзахни тўлдираман», деди.

19. Ва: «Эй Одам, жуфтинг билан жаннатда яшаб, хоҳлаган жойда таомланаверинглар, фақат мана бу дарахтга яқинлашманглар, унда ўзларингизга зулм қиласизлар», дедик.

«Тафсири Жалолайн» муаллифлари бу дарахтга «бугдой» деб ном беришган.

20. Сўнг шайтон ўзларидан беркитилган авратларини бир-бирларига очиш учун икковини васваса қилди ва: «Парвардигорингиз фаришта бўлиб қолмасликларинг ёки абадий яшамасликларинг учунгина бу дарахтдан қайтарган», деди.

21. Ва уларга: «Мен хақиқий маслахатгўйингизман», деб қасам ичди.

22. Шундай алдов билан уларни мойил қилди. Икковлари дарахтдан татиб кўришган эди, авратлари ўзларига кўриниб қолди ва жаннат япроқларини улаб, шу билан ўзларини тўсмокчи бўлишди. Шунда Парвардигорлари уларга нидо қилиб айтди: «Сизларни бу дарахтдан қайтармаганмидим ва шайтон сизларга душман демаганмидим?!»

Мавлоно Абдулқодир Дехлавий айтганларки, саййидимиз Одам алайҳиссалом ва Хавво онамизнинг жаннатда бўшаниш ва шахват қаби ҳожатлари бўлмаган. Улар тақиқланган

дарахтдан ейишганидан сўнг уларга жазо берилди, яъни авратлари бир-бирларига кўриниб колди, гўё яшириш лозим бўлган жойларидаги пардалар шу дарахт меваси туфайли очилиб фош бўлди.

23. Икковлари: «Парвардигоримиз, ўзимизга зулм килдик, агар кечирмасанг ва раҳм килмасанг, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қоламиз», дейишди.

Хазрати Одам алайхиссалом ва Момо Хавво шайтоннинг ичган касамига алданиб: «Шу дарахтдан есак, Аллохнинг шафкат-мархаматига эришиб, фаришталар каби бўламиз ва жаннатда абадий қолиб кетамиз», деб бу ишга журъат қилишди. Охири бор ҳақиқатни тушуниб, дарров надомат чекишди, зулмларига икром бўлиб, истигфор айтишди.

24. Аллох: «Бир-бирларингизга душман холингизда тушинглар, маълум муддатгача фойдаланиш учун ер юзи сизларга қароргоҳдир», деди.

Бу хитоблар хазрати Одам алайхиссалом ва Момо Хавво ҳамда Иблис алайхиллаъна – барчаларига умумийдир.

25. У: «Унда ҳаёт кечирасизлар, унда ўласизлар ва ундан чиқариласизлар», деди.

26. Эй Одам болалари, авратларингизни яширадиган либос ва зийнатларни туширдик. Такво либоси ҳаммасидан яхшидир. Бу нарсалар эсда тутишларингиз учун Аллохнинг хужжатларидир.

Яъни душман сизларни жаннат либосидан махрум қилди. Энди сизларга дунёда қандай либосда бўлишингизни ўргатяпмиз. Қандай либос қийманглар, хамиша таквода бўлинглар, Аллохдан кўркинглар. Эркақларингиз ипак либослар қийишмасин, тилла тақийшмасин, этакларини узун қийишмасин. Аёлларингиз ўта юпка либослар қийиб, баданларини кўрсатиб қийишмасин, яшириш шарт бўлган жойларини номахрамларга қийишмасин.

27. Эй Одам болалари, ота-оналарингизни авратларини ўзларига кўрсатиш учун либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, шайтон сизларни ҳам йўлдан оздирмасин. Чунки у ва унинг малайлари ўзингиз сезмаган томондан сизни кўриб туришади. Шайтонларни хақиқатан иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз.

Дунёда ўзи кўзга кўринмай хужум қиладиган душман ганимларнинг энг хатарлиси ва ёвузи ҳисобланади. Шайтонлар ҳам ана шундай найрангги кўп, фитнаси катта маккор душманлардир. Фақат бандаларига ниҳоятда меҳрибон ва ҳамма нарсага қодир Зот – Аллоҳ таолонинг паноҳига қочилсагина, шайтонларнинг мақр ва васвасаларидан омонда бўлинади.

28. Улар ёмон ишлар қилишса: «Ота-боболаримизнинг шундай қилганини кўрганмиз, Аллоҳ бизларга шуни буюрган», дейишади. (Эй Мухаммад): «Аллоҳ ёмон ишларга буюрмайди, Аллоҳ хақида билмайдиган нарсаларингизни айтаверасизларми?» денг.

29. «Парвардигорим адолатга буюрган, ҳар бир ибодат пайтида Унга юзланинглари ва Унга ҳолис дуо-илтижо қилинглари, сизларни олдин қандай яратган бўлса, шундай қайтасизлар», денг.

Ибодатларингизда Аллоҳ таолога юзланиб, тўғри туринглари, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлларига қарши бўлманглари, чунки ибодатларнинг Аллоҳ ҳузуринда макбул бўлиши ояти қаримада зикр этилган икки нарсага: унинг набий ва расуллар кўрсатган шариатга биноан бўлишига ҳамда ҳолис Аллоҳ таолога бўлишига боғлиқдир.

30. У бир гуруҳни ҳидоят қилди, бошқасини йўлдан оздирди. Чунки улар Аллоҳ қолиб, шайтоннинг дўст қилишган ва тўғри йўлдамиз, деб ўйлашади.

31. Эй Одам болалари, ибодат чоғида яхши либосда бўлинглар. Енглари, ичинглари, аммо исроф қилманглари, чунки У исрофгарларни яхши кўрмайди.

32. (Эй Мухаммад): «Аллоҳ бандаларига чиқарган либосларни ва покиза ризқларни

ким харом килди», денг. «Булар дунё хаётида мўминларгадир, киёмат куни эса факат уларгадир», денг. Биладиганлар учун оятларимизни шундай батафсил баён киламиз.

Жоҳилият замонида (Ислом келмасидан олдин) арабларда ёмон одатлар бор эди: масалан, улар муаззам Каъбани онадан тугилган ҳолатдагидай ялангоч тавоф килишар ва буни улуг ибодат санашар, ҳаж кунлари кўп ва ёғли таомларни тарк килишар, баъзи бирлари эса эчки ва бошқа хайвонларнинг сутини ичишмас эди. Бу ояти карима ана шуларни рад этиб келган.

33. «Парвардигорим факат ошкораю яширин бузук ишларни, хар бир гуноҳни, ноҳак зулмни, ҳеч қандай ҳужжат тушмаган нарсаларни Аллоҳга шерик килишингизни, Аллоҳ ҳақида билмаган нарсаларингизни гапиришингизни харом қилган», денг.

34. Хар бир умматнинг ажали бор, ажаллари келган вақтда уни бирор соат кейинга ҳам, олдинга ҳам сура олишмайди.

35. Эй Одам болалари, ўзларингдан пайгамбарлар келиб оятларимни тушунтирганида ким такво килиб, ўзини ўнгласа, хавфда ҳам, гамда ҳам қолмайди.

36. Оятларимизни ёлгонга чиқарганлар ҳамда уларга қибр қилганлар дўзахийлардир ва унда абадий қолишади.

Имом Ибн Жарир Абулюср Суламийдан нақл қилинишича, ушбу хитоб Одам аллайхиссаломнинг барча авлодларига қаратилган бўлган. Баъзи олимларнинг айтишларича эса, хар бир хитоб ўша замондан яшаган халқларга бўлади, бу эса ўша хитобдан бир нақлдир.

37. Аллоҳга бўхтон қилган ва оятларини ёлгонга чиқаргандан ҳам золимрок борми? Ана шуларга Қитобдаги насибалари етганида жонларини олиш учун элчиларимиз келиб: «Аллоҳ ўрнига ибодат қилаётган нарсаларингиз қаерга кетди?» деб

сўрашади. Улар: «Бизларни ташлаб кетишди», дейишади ва кофирликларига ўзлари гувоҳлик беришади.

Кофир ва мушрикларнинг Аллохга шерик ва фарзанд нисбат беришлари ёлгон ва Унга нисбатан бўхтондир. Китоб (Лавхул-Махфуз)да ёзилган насибалари, яъни ризк ва умрларини кўриб бўлгач, жон олишга келган ўлим фаришталари саволга тутишганида, кофир ва мушриклар жавоб беришга ожиз қолиб, гуноҳларига ўзлари гувоҳлик беришади.

38. (Аллох): «Сизлардан олдинги инсонлар ва жинлар уммати билан дўзахга киринглар », дейди. Кайси бир уммат кирса, шеригини лаънатлайди. Хаммалари бирга топишгач кейингилар олдингилар хақида:

«
Эй Парвардигоримиз, анавилар бизларни адаштиришган, уларга дўзах азобини икки хисса қилиб бер

»
, дейишади. У:

«
Хаммага икки хиссадан бўлади, лекин билмайсизлар
»
, дейди.

Олдин ўтганларга икки хисса азоб шунинг учун бериладики, уларнинг ўзлари йўлдан озишган ва кейин келганларга ҳам бунга йўл очиб кетишган. Кейинги умматга эса йўлдан озишгани ва олдингилар ахволдан ибрат олишмагани учун икки хисса азоб берилади.

39. Олдингилар кейингиларга: «Сизларнинг биздан афзаллигингиз йўқ, қилмишларингиз азобини тортаверинглар », дейишади.

40. Оятларимизни ёлгонга чиқарганлар ва уларга қибрда бўлганларга осмон эшиклари очилмайди ва туя игна тешигидан ўтмагунича жаннатга қиришмайди, гуноҳкорларни шундай жазолаймиз.

Яъни тириклик чоғларида уларнинг амаллари самовий кабулга мушарраф бўлмайди, ўлганларидан кейин ҳам рухларига осмонга кўтарилишга ижозат бўлмайди. Ишонарли хадисда келишича, кофирнинг рухи осмон тарафдан ер тарафга суриб туширилади, мўминнинг рухига эса еттинчи осмоннинг фалакига чиқишга рухсат берилади.

41. Дўзах уларнинг тўшаги ва чойшаби бўлади, золимларни шундай жазолаймиз.

42. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганлар – Биз ҳеч кимга тоқатидан ортиқ юк кўймаймиз – ана шулар жаннатийлардир ва у ерда абадий қолишади.

43. Улар дилидан гина-гашликларни тортиб оламиз, остларидан анхорлар оқиб туради ва улар: «Бизларни бу ерга етказган Аллоҳга мактовлар бўлсин, Аллоҳ ҳидоят қилмаганида ўзимиз харғиз йўл топа олмасдик, Парвардигоримизнинг пайгамбарлари ҳақиқатни олиб келишган », дейишади. Уларга: «А малларингиз учун сизлар мерос қилиб олган жаннат

–
мана шу!
»
дейилади.

Қиёмат бўлганида жаннатга қиришдан олдин жаннатийларнинг дилларидан бир-бирларига бўлган гина-қудуратлар ва гиллу гашликлар олиб ташланади. Ҳазрати Али (Аллоҳ юзларини ёруғ қилсин): «Умид қиламанки, мен, Усмон, Талха, Зубайр (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) шу жамоадан бўламиз », деганлар.

44. Ва жаннатийлар дўзахийларга: «Парвардигоримизнинг бизга берган ваъдаси рост эканини кўрдик, сизлар ҳам Парвардигорингиз ваъдаси рост эканини кўрдингизми? », деб нидо қилишади. Улар: «Ҳа» , дейишади. Шунда улар орасидаги бир жарчи жар солади:
«
Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

45. Улар Аллох йўлидан тўсадиганлар, бундан кийик ахтарадиганлар ва охиратга ишонмайдиганлардир».

46. Ўрталарида тўсик, деворлар устида эса хаммани сиймосидан таниб оладиган кишилар бўлади. Истаклари бўлса хам, жаннатга кирмай турган жаннатийларга: «Сизларга салом бўлсин!

»

деб нидо килинади.

Жаннат ва дўзах ўртасида бир тўсик-девор бўладики, жаннат лаззатлари дўзахга, дўзах кулфатлари жаннатга етказилмай тўсиб турилади. Ўша девор тепасидаги жой «аъроф» дейилади. Кимлар аъроф эгалари бўлади? Бу ҳақда бир канча ишончли далиллар бор, буларнинг энг хужжатлиси Хузайфа, Абдуллох ибн Масъуд каби улуг саҳобийлар, улардан кейинги уламоларнинг сўзларидир. Уларнинг айтишларича, амаллар Мезонда тортилганидан кейин амали кўплар жаннатий бўлишади, яхшилиги ва ёмонлиги барабар бўлганлар аъроф эгаларидир, улар хам охири жаннатга киришади.

47. Уларнинг нигохлари дўзахийлар тарафга тушиб колса: «Парвардигоро, бизларни золимларга кўшиб кўйма!

»

дейишади.

48. Аърофдагилар сиймосидан танийдиган одамларига бундай нидо килишади: «Тў плаган нарсаларингиз ва кибру хавоингиз сизларга аскотмабди-ку!

49. Сизлар: «Харгиз уларга Аллох раҳматини етказмайди», деб касам ичганларингиз анавилар эмасмиди, уларга: жаннатга киринглар, сизларга хавф хам, гам хам йўқ, дейилди-ку!

»

50. Дўзахийлар жаннатийларга: «Бизларга хам сувдан ё Аллох баҳраманд килган неъматлардан тўкинлар
Жаннатийлар айтишади:

», деб нидо килишади.

«

Аллох буларни кофирларга харом килган;

**51. чунки улар динларини эрмак-мазах килишган ва дунё хаётига алданишган .
Бугунги учрашувни унутганлари ва оятларимизни инкор килганлари учун энди Биз
хам бугун уларни**

«

унутамиз

»

.

**52. Хакикатан, Биз уларга илм билан баён килинган бир Китоб бердикки, у мўминлар
учун хидоят ва раҳматдир.**

Куръони Каримда инсонлар учун зарур бўлган барча нарсалар илм-хикмат билан батафсил баён килинган ва хар бир масала комил огохлик билан очиб берилган. У иймон келтирган бандалар учун киёматгача хидоят йўлини кўрсатувчи дастур ва раҳматдир.

**53. Улар эса Китобнинг окибатини кутишяптими? Унинг окибати келадиган кунда
уни унутганлар: «Парвардигоримизнинг пайгамбарлари тўгри хабар олиб
келишган экан, энди бизларни кўллайдиганлар бўлсайди ёки оркага кайтарилсаг-у,
килган амалларимиздан бошқача амал килсак »,
дейишади. Улар, хакикатан, ўзларига зиён килишди ва килган даъволари чиппакка
чикди.**

Инкор килувчилар Куръони Каримдаги Аллох ва Унинг Расули ваъда килган киёмат хавф-азобларининг окибатини, яъни тезрок рўёбга чиқишини талаб килиб кутишяптими? Бу окибат вужудга келган куни эса улар буни унутиб кўйишганига икдор бўлиб: «Пайгамбаримиз бу ҳақда бизларга хабар етказган эди, гаплари рост чикди, энди бизга бир кўлловчи бўлса ё иккинчи марта дунёга кайтарилсак-да яхши-яхши амалларни килиб келсак!

»

деб орзу килишади. Аммо энди кеч: уларнинг орзу ва даъволари чиппакка чикди, ўзлари халокатга юз тутишди.

54. Хакикатан, Парвардигорингиз Аллох осмонлару Ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршда ўрнашган. У бир-бирини бетиним кувадиган кундузни кеча билан ўрайди, Куёш, Ой ва юлдузларни амрига бўйсунувчи килиб яратди. Огоҳ бўлингларки, яратиш ва хукмронлик килиш Унгагина хосдир. Оламлар Парвардигори мутлок буюқдир.

Куръони Карим ва хадиси шарифларда васфи келган Арш ва Курсининг ҳақлигига ишониш Аҳли сунна вал жамоа акийдасининг қисмларидандир. Акийда китобларида келтирилишича, Арш оёкли бир тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб туришади. У махлуқотларнинг шифтидир. Аллох таолонинг Аршга эҳтиёжи йўқ, уни Ўзи билган хикмат учун яратган. Курси эса Аршдан бошқа нарса бўлиб, айрим уламолар ундан мурод Аллохнинг салтанати, илмидир, дейишган. Арш ва Курсига ишонамиз, аммо уларнинг хажми, кайфияти, сифатини фақат Аллох таолонинг ўзи билади.

Аллох таолонинг амр-буйруклари икки хил бўлади: таквин буйруги ва ташриъ буйруги. Таквин буйруги деганда, мавжудот бор бўлиши ва ривожланишида бўйсунадиган илмий, бир-бирига уйгун ва барқарор конунлар мажмуи назарда тутилади. Ташриъ буйруги эса бандалар уни қабул килиб олиб, эргашиб-бўйсунушлари учун Аллох таоло томонидан пайгамбарларига юборилган вахий-аҳкомлардир.

55. (Эй мўминлар), Парвардигорингизга ёлбориб махфий дуо килинглари, албатта, у хаддан ошувчиларни яхши кўрмайди.

56. Ва ўнглаб кўйилганидан кейин ҳам ер юзида фасод ишларни қилманглари, Унга кўркув ва умид билан ёлборинглари. Аллохнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга хакикатан яқиндир.

Аллох таолога дуо-илтижони махфий суратда, охиста қилиш мақсадга мувофиқдир. Салафларимиз шундай қилишган ва шунга чақиришган. Баъзи пайтларда ва айрим ўринларда маълум сабаблар билан овоз чиқариб дуо қилса бўлади. «Хаддан ошувчилар» урф-одатда ёки шариатда қийин нарсаларни талаб қилувчи одобсизлардир.

«
Ер юзининг ўнглаб кўйилгани

»

дан мурод, Аллох таоло ер юзини дақиқ конун ва низомлари асосида тартибга солган, унда халифаси қилиб инсонларни вужудга келтирган ва улар ҳаётини изга солиш учун

пайгамбарлари оркали Ўз динини жорий қилган.

57. У раҳматидан олдин елларни хабарчи қилиб юборадиган Зотдир. Улар оғир булутларни қўтариб қелишганида Биз уни ўлик юртга хайдаб, уни сугорамиз ва тушган сув билан турли мевалар ундирамиз. Ибрат олишларингиз учун ўликларни ҳам шундай тирилтирамиз

58. Покиза ерларнинг экини Парвардигор изни билан унади, нопокиники эса факат қийинчилик билан чиқади. Шукр қилувчиларга далилларимизни шундай баён қиламиз.

Ушбу оятдаги мисол панд-насихатни қабул қилиб, унга амал қилувчи мўмин билан насихатни олмайдиган, гап қор қилмайдиган диёнатсиз қимса ҳақидаги ибратли мисолдир. Бандаларига ўта меҳрибон Аллох таоло қамоли шафқати ва марҳаматидан инсонлар ҳаёти учун Қуёш, Ой, юлдузларни пайдо қилиб қўйган, экин битмай ўлик ҳолда ётган ерларни обод қилиш, ундаги инсон ва ҳайвонларга ҳаёт кечириш сабабини яратиш учун Ўз раҳмати билан осмондан қор-ёмғир ёғдирган. Худди шу қаби қарам ва меҳрибонлик билан одамларни жаҳолат зулмидан озод қилиш, дилларини илм нури билан ёритиш учун ҳар замон эҳтиёжига қўра пайгамбарлар юборади. Токи уларга эргашганлар баҳра олиб ҳаётларини изга солишсин, бундан марҳумларнинг масъулиятлари эса зиммаларида қолсин.

Қуйидаги ояти қарималарда ана шу пайгамбарлардан Нух алайҳиссалом ва Худ алайҳиссалом билан уларнинг мушрик қавмлари ўртасида бўлиб ўтган мунозаралар ҳақида сўз боради.

59. Ҳақиқатан Биз Нухни қавмига юбордик. Шунда у: «Эй қавмим, Аллохга ибодат қилинглар, сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Сизлар учун буюқ қун азобидан хавфдаман деди.

»,

60. Қавмининг обрўли қишилари: «Аниқ адашувда эканингни қўряпмиз», дейишди.

61. Нух айтди: «Эй қавмим, мен адашаётганим йўқ, аксинча мен оламлар

Парвардигоридан элчиман;

62. сизларга Парвардигорим хукмларини етказаман, насихат киламан ва сизлар билмаган нарсаларни Аллох менга билдирган;

63. такводор бўлсангизлар, рахматга эришсангизлар, деб огохлантириш учун Парвардигорингиздан эслатма ўзларингиздан бир киши оркали келганига ажабланияпсизларми? »

64. Шунда уни «ёлгончи» дейишди. Кейин Биз уни ва у билан кемада бўлганларни куткардик, оятларимизни ёлгонга чиқарганларни гарк килдик, чунки улар бир гумрох кавм эди.

Хазрати Одам алайхиссаломдан кейин ўн асргача унинг барча авлодлари холис тавхидда (яккахудоликда) ўтишди. Кейин улар орасидаги Вуд, Сувоъ, Ягус, Яъвук, Насро исмли баъзи солих кишилар вафот этишди. Одамлар ота-боболаримизни эслаб юрайлик, деган хаёлда олдин уларнинг тасвирларини (суратларини) кўчириб кўйишди, бирмунча вақтдан кейин булар камлик килганидай ана шу тасвирлар асосида уларнинг хайкалларини яшашди ва бора-бора хайкалларга чўкиниш бошланиб кетди. Ширк вабоси дунёни эгаллаганида Аллох таоло одамларни яна тавхидга чакириш учун Нух алайхиссаломни пайгамбар килиб юборди. Хазрати Нух тўккиз юз эллик йил мушрик кавмини тавхидга чорлади. Кавм кайсарлик билан инкор килаверганидан кейин тўфон балоси келиб, хаммасини гарк килиб юборди.

65. Од кавмига биродарлари Худни юбордик. У: «Эй кавмим, Аллохга ибодат килинглари, Ундан ўзга илохингиз йўқ, кўркмайсизларми?

»

деди.

66. Кавмнинг кофир сардорлари: «Сенинг нодон эканингни кўриб турибмиз, сени, албатта ёлгончи, деб ўйлаймиз » , дейишди.

67. У айтди: «Эй кавмим, менда нодонлик йўқ, аксинча, мен оламлар Парвардигоридан элчиман;

68. сизларга Парвардигорим хукмларини етказаман ва насихат киламан;

69. сизларни огохлантириш учун Парвардигорингиздан эслатма ўзларингдан бир киши оркали келганига ажабланияпсизларми? Сизларни Нух кавмидан кейин ўринбосар килганини ва куч-кувватингизни зиёда килиб яратганини эсланглар. Нажот топай десанглар, Аллох неъматларини ёдда тутинглар».

Яъни Аллох таоло Нух алайхиссалом кавмидан кейин сизларнинг хукмронлигингизни ўрнатди ва сизларни жисмонан ҳам, куч-кувватда ҳам беками-кўст килди. Сизлар олдин ўтган кавмлардан ибрат олишингиз лозим эди.

**70. Улар: «Ота-бобларимиз сизинг нарсаларни ташлаб ёлгиз Аллохнинг Ўзига ибодат килишимиз учун келганмисан? Агар ростгўй бўлсанг, бизга ваъда килаётган нарсангни келтир-чи?!
» дейишди.**

**71. Худ айтди: «Парвардигорингиз тарафидан азоб ва газаб тушиши аник. Аллох ҳеч бир далил келтирмаган, ўзларингиз ва ота-боболарингиз кўйиб олган номлар хусусида мен билан тортишяпсизларми? Энди кутаверинглар, мен ҳам сизлар билан кутаман
».**

72. Шунда унга ва у билан бўлганларга раҳматимиз ила нажот бердик ва оятимизни ёлгонга чиқарганларнинг тухумини курутдик, улар иймонли эмасдилар.

Аллох таолонинг хужжат-далиллариغا, пайгамбари сўзларига ишонмаган Худ алайхиссалом кавми устига узок кургокчиликдан сўнг етти кечаю саккиз кундуз каттик бўрон балоси келди. Бўрон барча кофирларни битта ҳам колдирмай халок килди.

73. Ва Самуд кавмига биродарлари Солихни юбордик. У бундай деди: «Эй кавмим, Аллохга ибодат килинглари, Ундан бошка илохингиз йўқ. Парвардигорингиздан келган исбот – Аллохнинг бу туяси сизларга бир далилдир. Уни ўз холига кўйинглари. Унга ёмонлик килманглари, яна аламли азоб тутиб колмасин».

Пайгамбар Худ алайхиссалом кавми «биринчи Од» дейилади, Солих алайхиссалом кавми эса «иккинчи Од» деб ном олган, кавмининг асл номи Самуд эди. Ўзларига пайгамбар килиб юборилган Солих алайхиссаломга кавми:

«
Агар рост гапираётган бўлсанг, манави харсанг тошдан бир туя чиқариб берсанг, кейин сенга ишонайлик

»
, деди. Аллох таоло Солих алайхиссалом дуо-илтижоларини ижобат килиб, тошдан туя чиқариб берди, шунинг учун у

«
Аллохнинг туяси

»
дейилди. Сўнгра Солих алайхиссалом туяга тегмаслик, унга зарар етказмаслик, акс холда Аллохнинг каттик азобига учраши хақида кавмини огохлантирди.

74. «Ва У сизларни Од кавмидан кейин ўринбосар килганини, сизларга ер юзи водийларида қасрлар қуришингиз, тоғларда уй тарошлаб олишингиз учун имкон берганини эсланглари. Аллох неъматларини ёдга олинглари ва Ер юзида бузгунчилик килиб юрманглари».

75. Кавмининг мутақаббир сардорлари иймон келтирган бечораларга: «Солихни Парвардигори пайгамбар килиб юборган деб ўйлаяпсизларми?»

»
дейишди. Улар:

«
У орқали юборилган нарсага, албатта, иймон келтирамиз

»
, дейишди.

76. Мутақаббирлар: «Сизлар иймон келтирган нарсани инкор қиламиз», дейишди.

77. Ва Парвардигорлари амридан бош тортиб, туяни сўйиб юборишди ҳамда: «Эй Солих, агар пайгамбарлардан бўлсанг, ваъда килган азобингни кўрсат-чи!» дейишди.

78. Шунда уларни зилзила ушлади ва уйларида тиз чўкиб халок бўлишди.

Айтишларича, ўша туянинг жуссаси ниҳоятда катта бўлган, қайси ўтлоққа ўтлагани борса, бошқа хайвонлар ундан кочган, сув ичгани кудукка бориб, бир симиришда кудук сувини тугатган. Охири ундан Самуд кавмининг токати ток бўлиб, ўлдиришга қарор қилди. Ичларидан Кудар деган бир бадбахт бу муқаддас туяни ўлдирди ва охири ҳаммалари Аллох таолонинг газаби ва азобига дучор бўлишди. Устларидан кучли овоз, остларидан зилзила келиб, кўплари тиз чўккан холларида халок бўлишди.

79. Кейин Солих улардан юз ўгириб: «Эй кавмим, сизларга Парвардигоримнинг ҳукмини етказдим ва насиҳат қилдим, лекин сизлар насиҳатчиларни севмас экансизлар», деди.

80. Ва Лутни юбордик, (эй Мухаммад), унинг ўз кавмига: «Сизлардан олдин олам ахлидан бирор киши қилмаган ишни қиласизларми?»

81. яъни, хотинлар қолиб, эркакларга шахват билан яқинлашяпсизларми? Йўқ, сизлар ҳаддидан ошган кавмсизлар!» деганини эсланг.

82. Аммо кавм: "Уларни шахрингиздан ҳайдаб чиқаринглар, булар поклик истаган одамлар экан", дейишдан нарига ўтмади.

Пайгамбар Лут алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссалом акаларининг ўгли бўлган. У отаси вафот этгач, Иброҳим алайҳиссалом билан Ироқдан Канъон (Шом)га сафар қилади.

Аллох таолонинг амри билан хозирги Ўлик денгиз ўрнидаги Садум шахри ва атрофларидаги худудга пайгамбар этиб тайинланади. Шахар халки бесоколбозлик иллатига гирифтор бўлгани учун унга садумликларни бу йўлдан кайтариш вазифаси юкланган эди.

83. Шунда уни ва эргашувчиларини куткардик, факат хотини колганлар билан халок бўлди.

84. Улар устига тош "ёмгири" ёгдирдик, гунохкорларнинг кисмати кандай бўлганини кўринг.

Шахватига кул бўлган исёнкор кавм поклик истагани учун Лут алайхиссалом ва унинг тарафдорларини шахардан кувишга қарор қилганидан кейин Аллохнинг газабига учради. Пайгамбар ва унга эргашган солих кишилар шахардан чиқиб кетиб омон қолишди, колганлар, шу жумладан уларга қўшилган Лутнинг хотини тош ёмгири остида халок бўлди. Мамлакат тамоман вайрон бўлди, хозирда унинг ўрнида Ўлик денгиз пайдо бўлган, дейишади.

85. Ва Мадянга биродарлари Шуайбни юбордик. У айтди: "Эй кавмим, Аллохга ибодат қилингларики, Ундан ўзга илохингиз йўқ. Сизга Парвардигорингиздан далил келди, энди ўлчов ва тарозини тўлик қилинглари, одамлар нарсасидан уриб қолманглари ва ўнглаб қўйилган ер юзида бузгунчилик қилманглари. Агар мўмин бўлсангизлар, шуниси ўзларингизга яхшироқдир;

Шуайб алайхиссалом пайгамбар этиб юборилган Мадян Иброхим алайхиссалом ўғилларидан бирининг номига қўйилган юрт, кейинчалик бу ерларда таркаган кавм ҳам шу ном билан атала бошлаган. Мадянликлар аслида араблар, уларнинг юрти Акаба қўлтигидан Сино тоғигача чўзилган. Баъзи манбаларда Шуайб алайхиссалом Айка соҳибларига пайгамбар бўлганлар, дейилган, ҳар икки жамоа ҳам аслида бир кавм вакиллари бўлишган. Шуайб алайхиссалом кавмларига жуда меҳрибон бўлганларидан уларни тинмай тавҳидга ва яхшиликка чорлар эдилар.

86. йўлларда ўтириб олиб, Аллохга иймон келтирганларни чалгитиш учун йўлларини тўсиб қўрқитманглари. Озчилик пайтингизда сизларни қўпайтириб қўйганини

эсланглар ва бузгунчиларнинг қисмати нима бўлганини кўринглар;

87. Агар бир тоифангиз мен билан юборилган нарсага иймон келтирса, бошкаси иймон келтирмаса, Аллох ўртамизда ҳукм чиқаргунича сабр қилинглар, У энг яхши ҳукм қилувчидир!".

ТЎККИЗИНЧИ ЖУЗ

88. Кавмининг мутақаббир сардорлари: "Эй Шуайб, ё сени ва сен билан иймон келтирганларни шаҳримиздан ҳайдаб чиқарамиз ёки динимизга қайтасизлар", дейишди. Шуайб айтди: "Динингизни ёмон кўрсак ҳам-а?;

89. Аллох ҳалос қилганидан кейин ҳам динингизга қайтсак, Аллохга ёлгон тўкиган бўламиз. Аллох хохламаса, унга қайтишимиз сира мумкин эмас. Парвардигоримиз ҳамма нарсени илми билан камраб олган. Аллохга таваккал қилдик. Парвардигоро, қавм билан орамизни Ўзинг ажрим қил, Сен энг яхши ажрим қилувчисан".

90. Кавмининг кофир сардорлари: "Агар Шуайбга эргашсанглар, албатта зиёнга учрайсизлар", дейишди.

91. Шунда уларни қилзила ушлади ва уйларида тиз чўкиб ҳалок бўлишди.

92. Шуайбни ёлгончига чиқарганлар у ерда яшамагандай бўлишди, Шуайбни ёлгончига чиқарганларгина зиёнга учрашди.

Бу воқеалар хусусидаги бир неча оятлар жамланганида шу нарса аён бўладики, бу

кавмга уч хил азоб юборилган: 1) бир катта булут келиб, соя солганида кургокчилик азобини кўриб ёмгир кутаётган кавм устига шуъла ва учкун ёгилади, бу "мухалла" дейилади; 2) осмондан нихоятда дахшатли овоз келади, бу "сайха" дейилади; 3) ерда каттик зилзила пайдо бўлади, бу "ражфа" деб аталади (Ибн Касир). Аллох таоло кофир кавмлар устига ана шундай огир азоб ва жазоларини юборади.

93. Кейин Шуайб улардан юз ўгирди ва: "Эй кавмим, сизларга Парвардигорим хукмларини етказдим ва насихат килдим. Энди кофир кавмга нечун кайгурай?!" деди.

94. Кайси шаҳарга пайгамбар юборсак, ахлининг тавба килиши учун мухтожлик ва мусибатга учратганмиз.

95. Кейин кулфатларини роҳатга алмаштирдик, улар кўпайишиб: "Ота-боболаримиз ҳам кулфат ва роҳатга учрашган эди", дейишганида эса сездирмай тўсатдан ушладик.

Инсонларга бир янги пайгамбар юборилгудай бўлса, пайгамбарларнинг замондошлари уларга ишонишмаган, бўйсунушмаган ва ихтилофга боришган. Аллох таоло итоатсизликни ташлаб, эс-хушларини йигиб олишлари, Ўзининг амр-фармонларига бўйсунушлари учун турли кулфат ва фалокатларни (масалан, кахатчилик, касаллик ёки каттик шамол каби) юбориб уларни огохлантирган. Агар бу танбехлар ҳам қор қилмаса, Аллох таоло энди бошқача усул билан имтихонга солади: улар зиммасидаги машаккат юклари олинади, неъматларга гарк қилинади, хурсандчилик ва фарогат эшиклари очиб қўйиладики, бандалар берилган бу яхшилик ва инъомлардан уялиб, Аллохнинг даргоҳига бош уришсин, Унга итоат қилишсин, гуноҳларига магфират сўрашсин. Ёки бойлик ва фарогат шаробига маст бўлиб, кўрган мусибат-кулфатларини шундок унутишадими, "Бу ишлар Аллохнинг танбех-огохлантириши эмас, балки замона ходисаси, бу нарса ота-боболаримизда ҳам бўлиб ўтган" деб туришганида ногахон Илохий азоб уларни халок қилади.

96. Агар шаҳарлар ахли иймонга келиб такво қилишганида эди, Биз уларга осмону Ернинг баракаларини очиб кўяр эдик. Лекин улар ёлгонга чиқаришди ва уларнинг қилмишлари учун жазоладик.

97. Шахарлар ахли азобимиз тунда уйкуда ётганларида келишидан хотиржаммилар?

98. Ёки шахарлар ахли азобимиз туш пайти ўйин билан бандликларида келишидан хотиржаммилар?

99. Нахотки улар Аллохнинг "макри"дан хотиржам бўлишса? Аллохнинг "макри"дан зиён кўрувчилардан бошка ҳеч ким хотиржам бўлолмайди.

100. Агар хохласак, олдинги эгаларидан кейин Ерга меросхўр бўлганларнинг гунохлари туфайли азоб беришимиз, дилларини ҳеч нарсани эшитмайдиган килиб мухрлаб кўйишимиз маълум эмасми?

101. (Эй Мухаммад), сизга ана шу шахарлар воқеасини баён қиляпмиз. Уларга очик далиллар билан пайгамбарлар келишди, аммо улар олдин ёлгонга чиқаришгани учун иймонга келтиришмади. Аллох уларнинг дилларини шундай мухрлаган.

102. Уларнинг кўпларида аҳдга вафо топмадик, кўплари эса ҳақиқатан итоатсиз эдилар.

103. Сўнгра улардан кейин Мусони оятларимиз билан Фиръавн ва аъёнларига юбордик. Шунда улар оятларга куфр келтиришди. Энди бузгунчилар оқибати қандай бўлишини кўринг!

Миср ҳукмдори Фиръавн ниҳоятда бузгунчи, расво кимса эди. У қибри ва дунёга мастлиги боис Аллох таолонинг пайгамбари Мусо алайҳиссаломни ёлгончига чиқарди, у келтирган оятларга ишонмади, ўзини "Худо" санаб, халқини ўзига қуллик қилишга қачирди.

104. Мусо айтди: "Эй Фиръавн, мен оламлар Парвардигоридан элчиман;

105. Аллох хакида факат хакикатни айтиш – бурчим. Мен сизларга Парвардигорингиздан очик хужжат келтирдим. Бани Исроилни мен билан бирга кўйиб юбор!"

Яъни, Бани Исроил (Исроил авлодлари) пайгамбар Яъқуб алайхиссалом авлодлари бўлиб, Мисрда ўрнашиб қолишган эди. Давлат тепасига Фиръавн келганидан кейин улар қибтийлар (мисрликлар) кўлида асирликда қул қилиб ишлатилган. Мусо алайхиссалом уларни Фиръавн зулмидан қутқариб, Мукаддас замин (Шом)га олиб кетмокчи бўлади.

106. Фиръавн: "Агар чиндан ҳам мўъжиза олиб келган бўлсанг, уни кўрсат!", деди.

107. Хассасини ташлаган эди, ростакан илонга айланди.

Мусо алайхиссалом хассасини ерга ташлаганида у Аллохнинг иродаси билан улкан илонга айланади ва оғзини катта очиб, Фиръавнга ҳамла қилади. Бундан ўтақаси ёрилган Фиръавн Мусога: "Уни ушла!" деб ёлборади. Мусо алайхиссалом илонни қўлга олишлари билан у яна хассага айланади.

108. Ва кўлини чиқарган эди, ростакан оппоқ бўлиб кўринди.

109. Фиръавн қавми сардорлари: "Бу одам сехргарнинг ўзгинаси!", дейишди.

110. Фиръавн: "У сизларни ерларингиздан чиқаришни истайди, нима дейсизлар?" деди.

111. Улар айтишди: "Уни ва ақасини бироз холи қўй-да, шаҳарларга одамларни юбор;

112. улар ўткир сеҳргарларнинг барини йигиб келишсин!"

113. Сеҳргарлар Фиръавнга келиб: "Агар биз голиб чиксак, мукофот берилса керак?" дейишди.

114. У: "Албатта, сизлар энг якинларимдан бўласизлар", деди.

115. Сеҳргарлар: "Эй Мусо, ё сен ташла, ё биз ташлаймиз", дейишди.

116. Мусо: "Сизлар ташланглар", деди. Улар ташлашди, одамларнинг кўзини афсунлаб кўркитишди ва зўр сеҳр кўрсатишди.

117. Биз Мусога вахий оркали: "Хассангни ташла", дедик. Хасса афсунланган нарсаларини юта бошлади.

118. Хакикат қарор топди ва уларнинг ҳаракатлари чиппақка чикди.

119. Улар ўша жойда енгилиб, обрўсиэзланиб қайтишди.

120. Ва сеҳргарлар саждага йикилишди;

121. "Иймон келтирдик оламлар Парвардигорига;

122. Мусо ва Хоруннинг Парвардигорига", дейишди.

Уламолар ёзишларича, Хазрати Мусо ва Хорун (алайхимуссалом) ҳақнинг ботил устидан голиб чиққанини кўриб, Аллоҳ даргоҳида шукр саждаси қилишди. Бу ҳолни кўриб турган сеҳргарлар ҳам ўша захоти саждага йиқилишди. Илохий раҳматни кўрингки, бир лаҳзагина олдин Аллоҳнинг ҳақ пайгамбари билан тортишиб-жанжаллашиб турган гуруҳ иккинчи лаҳзада илохий ҳақиқатга таслим бўлиб, иймон билан шарафланиб туришибди.

123. Фиръавн: "Мен руҳсат бермай туриб унга иймон келтирдингларми? Бу аҳолини хайдаб чиқариш учун шаҳарда қилган хийла-тадбирингиз бўлса керак. Яқинда кўрасизлар;

124. оёк-кўллариингизни карама-қаршисига кесаман ва кейин ҳаммангизни осаман", деди.

125. Улар айтишди: "Албатта Парвардигоримизга қайтамыз;

126. Парвардигоримиз оятлари келганида уларга иймон келтирганимиз учунгина ўч оляпсан. Эй Парвардигоримиз, устимиздан сабр ёғдир, мусулмон холимизда жонимизни ол!".

Сеҳргарлар тавҳид (яккаҳудолик) ва суюкли Парвардигор жамолига етишиш орзусида сархушу сармаст бўлишди. Шунинг учун Фиръавннинг "Чап кўлингиз билан ўнг оёгингизни ё аксинча қилиб кесаман, барчаларингизни осиб ўлдираман" деган кўркитувлари уларга асло қор қилмади. Улар: "Нима қилсанг, қилавер, бизлар ҳарҳолда Парвардигоримиз ҳузурига қайтамыз, Унинг ҳузурида шарманда бўлгандан бу дунёнинг ҳар қандай азоби осонроқ-ку!", дейишди.

127. Фиръавн қавмининг сардорлари: "Сени ва маъбудларингни тарқ этишса ҳам, Мусо ва унинг қавмининг ер юзида бузгунчилик қилишларига йўл қўясанми?", дейишди. Фиръавн: "Эрқакларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамыз ва уларга ҳукмронлик қиламыз", деди.

128. Мусо кавмига: "Аллохдан мадад сўранглар ва сабр килинглари. Ер Аллохникидир, уни бандаларидан хохлаганига колдиради ва такводорларнинг окибати яхшидир", деди.

129. Кавм: "Сен келмасингдан олдин ҳам, келганингдан кейин ҳам азият тортдик", деди. Мусо: "Парвардигорингиз душманларингизни халок этиб, нима килишингизни кўриш учун сизларни ер юзида ўринбосар килажак!", деди.

130. Насихат олишса, деб Фиръавн ахлини кахатчилик ва мева танкислигига гирифтор этдик.

131. Уларга яхшилик бўлса: "Бунга муносибмиз", дейишади. Агар бирор ёмонлик кўришса: "Бу Мусо ва шерикларининг шумлигидан", дейишади. Огоҳ бўлишсинки, ўзларининг шумликлари Аллохга аёндир, аммо кўплари билишмайди.

132. Улар Мусога: "Хар канча мўъжиза кўрсатиб, бизларни сеҳрламокчи бўлсанг ҳам сенга харгиз ишонмаймиз", дейишди.

133. Шунда очик далил сифатида улар устига тўфон, чигиртка, хашарот, бака, кон балоларини юбордик. Лекин улар мутакаббирлик килиб, гунохкорликларича колишди.

134. Уларга азоб келганида: "Эй Мусо, Парвардигорингнинг сенга ваъдаси хурматидан Унга дуо кил, агар устимиздан азобни кўтарсанг, сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан жўнатамиз", дейишди.

135. Етарли бўлган маълум муддатгача азобимизни кўтарганимизда улар бирдан ваъдаларини бузишди.

136. Шунда улардан ўч олдик: оятларимизни ёлгонга чиқаришгани, уларга

бепарволик килишгани учун денгизга гарк килдик.

Юкорида баён килинган бало-азоблар фиръавнийларга бирма-бир келар эди. Олдин Хазрати Мусо улар олдига бориб: "Эртага сизларга фалон бало келади", деганларида ўша бало келарди. Шунда фиръавнийлар унга дуо килишни сўраб ёлбориб колишарди. У зот дуо килгач, бало даф бўларди. Охирги марта уларга вабо (ўлат) келади, ярим тунда хар хонадондан биттада ўгил вафот килаверади. Фиръавнийлар ўзлари билан овора бўлиб ётишганида Мусо алайхиссалом кавмини шахардан олиб чикиб кетади. Бир неча кундан кейин Фиръавн бундан хабар топиб, изидан кувади. Бахри Кулзум (Кизил денгиз) якинида уларга етиб олади, аммо Аллохнинг мадади билан Бани Исроил денгиздан эсон-омон ўтиб олади, фиръавнийлар эса денгизда гарк бўлиб, халокатга учрайди.

137. Ва ўзларини нотавон санаган кавми эса Ўзимиз баракали килган ернинг шаркию гарбига меросхўр килдик. Сабрлари туфайли Парвардигорингизнинг Бани Исроилга чиройли ваъдаси амалга ошди. Фиръавн хамда унинг кавми курган ва тиклаган нарсаларини вайрон килдик.

138. Ва Бани Исроилни денгиздан ўтказиб кўйдик. Шунда улар бутларига чўкиниб турган бир кавм олдига келишди. Бани Исроил: "Эй Мусо, бизларга хам уларнинг илохлари каби бир санам ясаб бер", дейишди. Мусо айтди: "Жохил кавм экансизлар;

Баъзиларнинг айтишларича, у Лахм кабиласи бўлган экан, бошка олимлар эса Амолика Канъоний кавми эди, дейишади.

139. булар шугулланаётган нарса халокатга махкум ва килаётган ишлари бефойдадир;

140. Нахотки Аллох ўрнига сизларга бошка илох ахтарсам, холбуки У сизларни бутун оламдан афзал килиб кўйган-ку!".

141. Сизларга ёмон азоб берган, эркакларингизни ўлдириб, аёлларингизни тирик

колдирган фиръавнийлардан Биз куткарганимизни эсланглар. Бунда Парвардигорингизнинг улуг имтихони бор эди.

142. Ва Биз Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашдик. Кейин эса буни ўни билан тўлдирдик. Шунда Парвардигорингиз белгилаган вақт тўла қирқ кеча бўлди. Мусо акаси Хорунга: "Кавмимдаги ўрнимни ол, яхши ишлар қил, бузгунчилар йўлидан юрма!", деди.

Тафсир китобларида ёзилишича, Аллох таоло Мусо алайхиссаломга Тур тоғида ўттиз кун мобайнида узлатга чекиниш, рўзадор бўлишни буюрди ва унинг кавмига Китоб (Таврот) тушириши хабарини берди. Хазрати Мусо шу муҳлат ичида рўзадор бўлди, кейин мисвок билан покланиб, учрашувга хозирлик қўрди. Кейин яна ўн кун рўза тутишга амр бўлди, Хазрати Мусо жами қирқ кун тугал рўзадор бўлди. Шу аснода у зот ўз ўрнига акаси Хорунни ўринбосар этиб тайинлаб, унга кавми тузатиш, бузгунчиликлардан химоя қилиб туришни таъқидлади.

143. Ваъдалашган муҳлатимиз келиб, Парвардигори Мусо билан сўзлашганида, у: "Парвардигорим, менга қўрин, Сени бир қўрай!", деди. Аллох: "Мени асло қўролмайсан, лекин тоққа қара, агар у жойидан қилмаса, Мени қўра оласан", деди. Парвардигор тоққа тақалли қилганида уни ер билан битта қилди ва Мусо беҳуш йиқилди. Хушига келиб: "Сен буюксан, тақба қилдим, мен олдинги мўминларданман", деди.

144. Аллох: "Эй Мусо, пайгамбарлик бериш ва сўзлашим билан сени одамлар ичидан танлаб олдим, берганларимни ол-да, шукр қилувчилардан бўл!", деди.

145. Ва унга ҳамма нарса тушунтирилган насихатларни тақтачаларга ёздик ҳамда: "Буларга қаттиқ амал қил, яхшиларини бажаришни кавмингга буюр, яқинда итоатсизлар маконини қўрсатаман", дедик.

Муфассирлар ёзишича, итоатсизлар макони дунёда расволик ва ҳалокат бўлиб, охирақда дўзахдир. Баъзи олимлар бундан мурод, Миср ё Шомдир, дейишган.

146. Ер юзида нохак такаббурлик киладиганларни далилларимдан тўсиб кўяман. Улар кандай далилни кўришса ҳам ишонишмайди, тўгри йўлни билишса ҳам унга юришмайди. Хато йўлни билишса ҳам унга юришади. Зеро, улар далилларимизни ёлгонга чиқаришган ва уларга эътибор қилишмайди.

147. Оятларимизни ва охиратдаги учрашувни ёлгонга чиқарганларнинг амаллари бефойдадир. Уларга қилмишлари учун жазодан бошқаси берилмайди.

148. Мусо қавми у йўқлигида безакларидан овозли бир бузук шаклини ясаб олди. Унинг гапирмаслигини, уларни хидоятга бошлай олмаслигини билишмадимикин?! Уни маъбуд қилиб олишди ва золимлардан бўлишди.

Мусо алайхиссалом қавмини қолдириб кетганида улар асли қибтийларники бўлган ва Бани Исроил қўлига тушиб қолган тилла тақинчок ва безаклардан "мў"лаб овоз чиқарадиган бузук шаклидаги бут ясаб олиб, унга сизгина бошлашди.

149. Адашганларини тушуниб пушаймон бўлишганида: "Агар Парвардигоримиз раҳм қилмаса ва гуноҳларимизни кечмаса, албатта зиёнкорлардан бўлиб қоламиз", дейишди.

150. Мусо қавмига газабланган ва афсусланган ҳолда қайтиб: "Мендан кейин нақадар ёмон ўринбосар бўлдинглар, Парвардигорингиз буйругини қутолмадингларми?" деди ва тахтачаларни ташлаб, ақаси сочидан торта бошлади. Ақаси: "Эй онамнинг ўгли, бу қавм мени ожиз санаб, ўлдиришига сал қолди. Энди сен ҳам душманларга қулги қилма ва мени золим қавмдан ҳисоблама!", деди.

151. Мусо: "Эй Парвардигорим, мени ва ақамни кечир, раҳматингдан дариг тутма, чунки Сен раҳмлиларнинг ҳам раҳмлисан!", деди.

152. Ҳақиқатан бузукка чўқинганларга Парвардигорлари газаби ва дунёда хорлик бўлади. Бўхтон қилувчиларни шундай жазолаймиз.

Бузокка чўкинганларга бериладиган Аллохнинг газаби ва жазоси хакида Бакара сурасининг 54-оятида зикр этилган.

153. Гуноҳ ишларни қилганлар орқасидан тавба қилиб иймон келтиришса, Парвардигорингиз албатта тавбадан сўнг кечирувчи ва меҳрибондир.

154. Мусонинг газаби босилгач тахтачаларни олди. Унда ёзилган нарсаларда Парвардигорларидан кўрқадиганларга ҳидоят ва раҳмат бор эди.

155. Ва белгиланган муддатимизга олиб келиш учун Мусо қавмидан етмиш кишини танлаб олди. Улар дахшатли зилзилага учрашганида Мусо айтди: "Эй Парвардигорим, агар хоҳлаганингда буларни ҳам, мени ҳам олдинроқ ҳалок қилган бўлардинг. Орамиздаги беақлларнинг қилмишлари учун бизларни ҳалок қилмоқчимисан? Бу Сенинг синовингдир, у билан хоҳлаганингни адаштирасан, хоҳлаганингни ҳидоят қиласан. Сен Хожамизсан, бизларни кечир ва раҳм қил. Ўзинг энг яхши кечирувчисан!;

Мазкур оятдаги белгиланган вақт Тавротни тушириш учун керак бўлган вақтдан бошқасидир. Ушбу воқеа ҳулосаси Бакара сурасида келган.

156. ва бизларга дунёда ҳам, охирада ҳам яхшилик ёзиб қўй, Ўзингга тавба қилдик". Аллох айтди: "Хоҳлаган бандамни азобимга соламан, раҳматим эса ҳамма нарсани қамраган. Уни такво қилганларга, закот берганларга ва оятларимизга иймон келтирганларга ёзаман";

Шоҳ Абдулқодир Соҳиб (Аллох раҳмат қилсин) айтадиларки, Мусо алайҳиссалом ўз умматларининг дунёда ҳам, охирада ҳам барча умматлардан афзал бўлишини истардилар. Бунга жавобан Аллох таоло марҳамат қилдики, Менинг азобим ва раҳматим биргина фирқага тегишли эмас, азобимни хоҳлаган бандамга бераман, раҳматим эса ҳаммага баробардир. Лекин сиз сўраётган хос раҳматим Аллохдан кўрқадиганлар, молларининг закотини берадиганлар, оятларимизга иймон келтириб, ўзларини тузатувчиларга аталгандир. Аллохнинг бундай раҳмати барча самовий

китобларга иймони келтирувчи охирги умматга насиб килади. Мусо алайхиссалом умматидан ким Куръони каримга иймон келтирса, у хам Аллох раҳматидан насибадор бўлади. Мусо алайхиссаломнинг бу дуолари кўп нарсаларни камраб олган шомил дуодир.

157. булар кўлларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган, уларни яхшиликка чакириб, ёмонликдан кайтарувчи, покиза нарсаларни халол килиб, нопокларини харом килувчи, зиммаларидаги машаккатлардан халос этувчи уммий Пайгамбарга эргашади. Унга иймон келтирганлар, кўллаб ёрдам берганлар ва унга туширилган Нурга эргашганлар нажот топувчилардир".

Оятдаги "уммий" сўзининг лугатда "онаси туккан холатидай", "устоз кўлида ўкимаган, савод чикармаган" каби маънолари бор. Баъзи олимлар "Уммул Куро" (шахарлар онаси), яъни Маккаи мукаррамадан чиккан Пайгамбар маъносини англатади, дейишади. Чунки Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломнинг саводлари бўлмаган, Маккада таваллуд топганлар, шунинг учун Куръонда шу сифат билан зикр этилганлар. Коинот сарварининг (алайхиссалом) сифатлари барча самовий китобларда келган. Бу зот яҳудийларни ўзлари жорий килиб олган турли тақик ва мажбуриятлардан халос килувчи, чўчка, судхўрлик каби нопок нарсалардан кайтарувчидирлар. Пайгамбаримизга эргашган, у кишининг кўрсатмаларини бажарган, туширилган Нур (Куръони карим)ни дастур килиб олган гурух ва кавмларгина дунёда хам, охиратда хам мақсадга эришишади.

158. (Эй Мухаммад): " Эй одамлар, мен хакикатан хаммаларингизга Аллохнинг элчисиман. Осмонлару Ер Уникидир, Ундан ўзга илох йўк, Угина тирилтиради ва ўлдиради. Бас, Аллохга хамда Унинг уммий набийига иймон келтиринглар, чунки у Аллохга ва унинг калималарига иймон келтирган Пайгамбардир", денг.

159. Мусо кавмининг бир гурухи борки, ҳақ йўлга далолат килиб, ҳақ ила ҳукм килишади.

160. Уларни алоҳида ўн икки уругга бўлдиқ ва кавми сув сўраганида Мусога: "Хассангни тошга ур!" деб вахий юбордиқ. Шунда ундан ўн икки чашма отилиб чиқди ва барча одамлар сувхоналарини билиб олишди. Ва уларга булутни соябон килдиқ, манна ва салвони туширдиқ хамда: "Ризқ килиб берганларимизнинг покизасини енглар", дедик. Улар Бизга зулм килишмади, лекин ўзларига зулм килишяпти.

"Манна ва салво" хакида Бакара сурасининг 57-ояти шарҳида батафсил сўз келган.

161. Уларга: "Мана шу шаҳарда яшанглар, хоҳлаган жойларингда енглар ва шаҳар дарвозасидан "бизларни кечир!" деб сажда килган холда кирсанглар, гуноҳларингизни магфират киламиз ва яхшиларингизга мукофотни кўпайтириб берамиз", деганимизни эсланг.

Айрим олимлар бу шаҳарни Арихо, баъзилари эса Байтул-Макдис, яъни Куддуси шариф, дейишган.

162. Шунда уларнинг золимлари айтилган сўзни бошқасига алмаштиришди ва килган зулмлари учун устларига осмондан азоб юбордик.

Бани Исроилга: "Шаҳар дарвозасидан "хиттатун" (бизни кечир) деб, сажда килган холда киринглар", дейилса, шаккок кавм бу сўзни бутунлай бузиб, "жунтатун" дея ўзгартирди ва шаҳарга кети билан судралиб кирди. Ўзига шундай зулм килгани учун кавм Аллох таолонинг азобига учради.

163. Улардан денгиз бўйидаги шаҳар хакида, шанбада хаддан ошганлари, баликлар шанба куни келиб, бошқа кунлари келмагани хакида сўранг. Уларнинг итоатсизликлари туфайли шундай имтихон киламиз.

Довуд алайхиссалом замонларида денгиз соҳилидаги бир шаҳарда яшайдиган яхудий жамоасини Аллох таоло синаш учун хар шанбани байрам белгилаб, уларга шу куни ишлаш ва тирикчиликка ҳаракатни ҳаром килган. Имтихон учун шанба куни киргокка баликларни кўп келтириб, бошқа кунлари кўздан йўқотиб қўйди. Итоатсиз кавм хаддидан ошиб, шанба куни хакидаги Аллох такикларини бузди ва денгиз четидан ховуз кавлаб, бошқа кунлари бемалол тутиш учун шанба куни ўша ерга баликларни камаб ола бошлади. Улар килмишлари учун Аллохнинг каттик азобига учрашди. Ояти каримада Пайгамбаримизга шу воқеа эслатилмоқда.

164. Уларнинг бир гурухи: "Нега Аллох халок киладиган ёки каттик азоб берадиган кавмга насихат киласизлар?" деганида, бошкалари: "Парвардигорларингиз хузурида бизларга узр бўлиши учун, зора улар такво килишса деб", дейишди.

165. Уларга тушунтирилган насихатни унутишганида ёмонликдан кайтараётган гурухларни куткардик ва золимларини эса итоатсизликлари учун каттик азобга гирифтор этдик.

166. Кейин ман этилган ишдан кайтмай хаддан ошганларида: "Бадбахт маймунга айланинглар!" дедик.

167. Парвардигорингиз тепаларига киёмат кунигача каттик азоб берадиганларни юбориши хабарини берганини эсланг. Парвардигорингизнинг азоби албатта шиддатли, Ўзи магфиратли, рахмлидир.

Яъни Аллох таоло тарафидан эълон килинган эдики, агар яхудийлар Тавротга амал килмай кўйишса, Хак таоло киёмат куни келгунига қадар уларнинг бошига гам-кулфатлар солиб, ўзларини каттик азобларга гирифтор қилади. Каттик азоб бошкалар хукмронлиги остида хўрланиб хаёт кечиришдан иборат бўлади. Аллохнинг ваъдаси хак: улар узок йиллар мобайнида юнон, рим, византия, форс хукмдорлари қўл остида мазлум бўлиб яшашди, насроний салибчилар зулмига дучор бўлишди, бир канча вақт мажусийларга бож тўлаб туришди. Охири Аллох уларга Ислом ҳукуматини хукмрон қилди. Хозирги пайтда золимларнинг ёрдами билан хурликка эришиб, ўзларича бир ҳукумат ташкил этишган бўлса ҳам, иншааллох, хомийлари бўлмиш золимлар ва жохиллар билан бирга маглуб бўлиб кетишади. Чунки улар хозирда фирка-фирка бўлишган, дунёга динларини сотишган, Аллохга турли номуносиб сўзларни нисбат беришади.

168. Ва Ер юзида уларни жамоалар қилиб бўлиб юбордик. Уларнинг солихлари ҳам бор, бундай бўлмаганлари ҳам бор. Шояд кайтишса деб, яхшилик ва ёмонликлар билан синадик.

169. Улардан кейин Китобга меросхўр бўлса ҳам тубан дунё матохларини олувчи ва: "Бизлар кечириламиз", дейдиган бир авлод келди. Агар уларга яна дунё матохларидан берилса, олишавади.

Ахир Китобда Аллохга рост сўздан бошкани нисбат бермаслик хакида ваъдалари олинмаганмиди?! Улар ундаги бор нарсани ўрганишган эди-ку! Охират диёри Аллохдан кўркувчилар учун яхши-ку, нега тушунмайсизлар?!

170. Китобга амал килиб, намозни адо килувчилар хам борки, бундай солих кишиларнинг мукофотларини асло зое килмаймиз.

171. (Эй Мухаммад), улар устига тоғни соябондай кўтарганимизни, устимизга тушиб кетади, деб ўйлашганида: "Берган нарсамизни махкам ушланглар ва ундагиларни ёдда тутинглар, балки шунда такво киларсизлар?!", деганимизни эсланг.

172. Парвардигорингиз Одам болалари умурткасидан зурриёдларини чиқарганини, ўзларини ўзларига гувоҳ килиб: "Парвардигорингиз эмасманми?" деганида: "Хакикатан Парвардигоримизсан, гувоҳмиз", дейишганини эсланг. Бу киёмат кунида "Тавхиддан беҳабар эдик", демасликлари учундир.

173. Ёки: "Хакикатан олдинги ота-боболаримиз ширк келтиришган, биз уларнинг авлодларимиз, жохилларнинг килмишлари деб бизларни халок этасанми?" демасликларингиз учундир.

174. Улар кайтишармикин, деб оятларимизни шундай очик баён киламиз.

Уламолар айтишганки, Аллох таоло Одам алайхиссалом умуртка суякларидан у кишининг авлодларини, улардан эса яна янги авлодларни чиқариб, хаммаларидан Ўзининг Парвардигорлигига икромларини олган ва кейин хаммаларини ўз жойларига кайтарган эди. Бундан мурод шу эдики, Аллох таолони ягона Хокими мутлок билишда ҳар ким ўзи қарорга келсин, ота-боболарига таклид этмасин. Агар ота-онаси мушрик бўлса ҳам, фарзанди зарурий иймонга келсин, Аллохни танисин!

175. (Эй Мухаммад), оятларимизни берганимизда улардан четлангач шайтон эргаштириб кетиб адашган кимсанинг хабарини уларга ўкиб беринг!

176. Агар хохлаганимизда эди, оятлар билан уни кўтарган бўлардик, лекин ўзи пастлади ва хавойи нафсига эргашди. Унинг холи итга ўхшайдики, унга хамла килсанг хам тилини чикараверади, тинч кўйсанг хам тилини чикараверади. Бу оятларимизни ёлгонга чикарган кавмларнинг мисолидир, тафаккур килишлари учун уни сўзлаб беринг.

Балъам ибн Бауро исмли бир олим ва сўфий бор эди. У хотинларнинг игвоси ва мол-дунёсининг исёни туфайли Аллох юборган оятлардан юз ўгирди ва Мусо алайхиссаломга карши чикиб, окибати абадий динидан айрилди. Унинг мисоли оркали бир бор хакни кабул килганидан кейин хавойи нафсига ва дунёнинг васвасаларига учиб , илохий хукмларни ташлаган ва шайтонга эргашиб кетган кимсалар хамда ёмон олимлар каттик огохлантириляпти.

177. Оятларимизни ёлгонга чикарганларнинг мисоли накадар ёмон бўлди, улар ўзларига зулм килишди.

178. Аллох кимни хидоят килса, йўлини топади, кимни адаштира, ўшалар зиён кўрувчилардир.

179. Аникки, жин ва инсонларнинг кўпини дўзах учун яратганмиз: уларнинг диллари бору очишмайди, кўзлари бору кўришмайди, кулоклари бору эшитишмайди. Улар хайвон кабидирлар, хатто улардан хам баттаррокдирлар, ўшаларгина гафлатдадир.

180. Аллохнинг гўзал исмлари бор, Уни ўша исмлар билан ёд этинглар. Исмини эгрига бурадиганлардан четда бўлинглар, якинда улар килмишлари жазосини олишади.

Юкорида гафлатда юрганларнинг аянчли окибати баён килинганидан кейин мусулмонларга танбех берилляптики, сизлар хам гафлатда колманглар, бунинг учун Аллохни кўпрок зикр килинглар. Унинг гўзал исмлари билан эсланглар. Аллохнинг номини эгрига бурадиганлардан узокрок юринглар, якинда улар килмишлари жазосини

тортишади. Аллохга шариатда кўрсатилмаган исм ва сифатларни нисбат бериш, Унинг зоти ва сифати хакида бахслашиш, Унинг номи билан сеҳр ва жоду килиш кабилар Унинг исмини эгрига буриш ҳисобланади.

181. Ва Биз яратганлар ичида ҳақ йўлга бошлайдиган ва одиллик билан ҳукм юритадиган бир жамоат бор.

Бу жамоат Муҳаммад алайҳиссалом умматлари бўлиб, улар ҳаётларини Аллох ҳукмлари асосига қуришади ва бошқа халқларни ҳақ йўлга қорлашади.

182. Оятларимизни ёлгонга чиқарганларни эса ўзлари сезмаган ҳолда аста халок қиламиз.

183. Уларга муҳлат бериб қўяман, тадбирим ҳақиқатан пухтадир.

184. Улар рафиқларида жиннилик йўқлигини ўйлаб қўришмайдими? У аниқ огоҳлантирувчи, ҳолос.

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом мушрикларни Исломга қорлаганларида улар Қоинот фаҳрини жиннига чиқармоқчи бўлишган эди.

185. Осмонлару Ердаги салтанатни, Аллох яратган нарсаларни ва эҳтимол ажаллари яқинлашиб қолганини қўришмайдими? Бундан кейин яна қайси гапга ишонишади?

186. Аллох қимни йўлдан оздирган бўлса, унга бир раҳнамо йўқ, уларни сарқашлик билан адашиб юришларига қўйиб қўяди.

187. (Эй Муҳаммад), қиёмат қачон бўлишини сўрашади. Сиз: "Бунинг илми

Парвардигорим хузуридадир, уни ўз вақтида Ўзи ошкор қилади, осмонлару Ерга жуда огир бўлади, сизларга тўсатдан келади", денг. Буни худди сиз биладигандек сиздан сўрашади, "Бунинг илми Аллох хузуридадир, лекин кўплар билишмайди", денг.

Киёмат соатининг қачон келиши Аллох таолодан ўзгага маълум эмас, ҳеч ким буни айтиб беролмайди. Лекин Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломдан ривоят қилинган ҳамда Имом Бухорий "Саҳих"и ва бошқа ҳадис китобларида келган ҳадисларда киёматнинг айрим аломатлари зикр этилган. Уларнинг ҳаммаси содир бўлгач киёмат тўсатдан келади.

188. "Ўзим учун фойдага ҳам, зарарга ҳам қодир эмасман, фақат Аллох хоҳлагани бўлади. Агар гайбни билганимда, яхшиликларни кўпайтирган бўлар, ҳеч бир кулфатга учрамас эдим. Фақат мўмин қавмларга оғохлантирувчи ва башорат берувчиман", денг.

Инсондан ташқаридаги (гойиб) ходисалар, у сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари ила идрок қила олмайдиган, ҳикмати ёлғиз Аллохгагина аён бўлган ходиса ва ҳолатлар «гайб» дейилади. Мўмин-мусулмонларнинг гайбга иймон келтиришлари шарт. Бу ояти қаримадан маълум бўладики, ҳар қандай буюқ бўлмасин, ҳеч бир инсонда мустикал ихтиёр ва чекланмаган илм бўлмайди. Саййиди олам Пайгамбаримизга кўпгина илмлар ато қилинган, Ер ҳазиналарининг сири билдирилган эди. Шундоқ зотга ҳам: "Мен бошқалар тугул ўзимга на фойда, на зарар етказа оламан, менда Аллох билдирганидан ортик илм йўқ, ҳамма нарсанинг маълумоти Аллохнинг хузурида, сизларни оғохлантириш ва хушхабарларни етказишгагина масъулман", деб одамларга етказиш буюрилмоқда.

189. У сизларни бир жондан яратган, таскин топиши учун ўша жондан жуфтини вужудга келтиргандир. Жуфтига яқинлик қилганида енгил юкли бўлди ва уни кўтариб юрди. Юки огирлашганида эса иккови Парвардигорларига: "Агар бизга яхши фарзанд берсанг, албатта шукр қилувчилардан бўламиз", деб дуо қилишди.

190. Уларга фарзанд берилганида эса бу нарсада Унга шерик қилишди, Аллох уларнинг ширкидан олийдир.

Аллох таоло инсонларни Одам алайхиссаломдан пайдо қилган, Хазрати Одам таскин-ором топиб, улфат бўлиб юриши учун унинг вужудидан Момо Хаввони яратган. Кейин хар икковларидан инсон насли таркаган. Бошда Аллохга шукрда бўлиш ваъдасини берган инсонлар кейинчалик Унга ширк келтира бошлашди. Насл таркалиши Одам алайхиссаломдан бошланган бўлса-да, ширк келтириш ходисаси у зотнинг кейинги авлодларидан баъзиларида содир бўлган. Аллох ана шундай инсонларнинг ширкидан пок, юксакдадир.

191. Хеч нарса яратолмайдиган ва ўзлари яратилган нарсаларни Унга шерик қилишадими?

192. Бутлар хеч кимга ёрдам беришга кодир эмас ва ўзларига ҳам ёрдам беришолмайди.

193. (Эй мушриклар), уларни хидоятга чорласангиз, эргашишмайди. Уларни даъват қиласизми ё жим турасизми, барибир.

194. Аллохни кўйиб, сигинаётганларинг ўзингизга ўхшаш бандадир. Агар ростгўй бўлсанглар, уларни чакиринглар, сизга жавоб беришсин-чи!

195. Бутларнинг оёқлари бормидики, юрса; ё кўллари бормидики, ушласа; ёки кўзлари бормидики, кўрса; ё кулоқлари бормидики, эшитса?! (Эй Мухаммад), айтинг : "Шерикларингизни чакиринглар-да, кейин мухлат ҳам бермай менга карши найрангларингни кўрсатаверинглар!;

196. менинг эгам Китоб туширган Аллохдир, У яхшиларнинг дўстидир;

197. Уни кўйиб сигинаётганларингиз сизларга ёрдамга кодир ҳам эмас, ўзларига ҳам ёрдам беришолмайди.

198. агар уларни хидоятга чакирсангиз, эшитишмайди, сизга карагандек кўринишса-да, кўришмайди", денг.

199. (Эй Мухаммад), кечиримли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жохиллардан юз ўгинг!

200. Агар шайтон васваса киладиган бўлса, Аллохдан панох тиланг, У албатта эшитувчи ва яхши билувчидир.

201. Шайтондан бирон васваса келганида такводорлар Аллохни эслашади ва яна кўзлари очилади.

202. Ва шайтонларнинг дўстлари уларни йўлдан оздиришда ёрдам бериб чарчашмайди.

203. Агар уларга далил келтирмасангиз, "ўзинг тўкиб кўя колмайсанми?" дейишади. "Факат Парвардигоримдан менга юборилган Китобга эргашаман, у мўмин кавмлар учун хидоят ва рахматдир!", денг.

204. (Эй мўминлар), Куръон тиловат килинганида жим туриб тингланглар, шояд рахм килинсангизлар!

Ушбу ояти каримадан уламолар Куръони карим тиловат килинганида сукут саклаб тинглаш вожиблигини айтишган. Ханафий олимлар бундай хулоса чиқаришган: намоз вақтида имом кироат қилганида унга эргашувчилар (иктидо қилувчилар) жим туриб эшитишлари лозим. Абу Мусо Ашъарий ва Абу Хурайрадан ривоят қилган хадисларда Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом: "Имом кироат қилганида сизлар жим туринглар", деганлар.

205. Дилдан ёлбориш ва кўркув билан, овозни кўтармай эртаю кеч

Парвардигорингизни ёд килинглар, яна гафлатда колманглар!

206. Парвардигорингиз хузуридаги фаришталар Унга кулликда кибрга боришмайди, Уни улуглашади ва Унга сажда килишади.

Куръони каримнинг бир неча сураларида сажда оятлари бўлиб, мазкур суранинг охириги ояти хам сажда оятларидандир. Бундай оятлар ўқилганида уни ўқувчининг хам, тингловчининг хам Аллохга бир марта сажда килиши вожибдир.